

**“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ Кузатув
кенгашининг 2025 йил 24 сентябрдаги
53-сонли баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА
НИЗОМ**

2025 й. “24” сентябрь

Код: RD-GK 40-08

Тошкент ш.

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
		7 varaqdan 2-sahifa Sana: 24.09.2025 y.
GK 40		

Хужжат тарихи қайдлари

[illegible]


UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
GK 40		7 varaqdan 3-sahifa Sana: 24.09.2025 y.

“КИРИТИЛГАН”

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” Акциядорлик Жамияти

Бош директори

Р.С. Азимов



**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУГУРТА-КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА НИЗОМ**

1 - БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ, “Ўзбекинвест Ҳаёт суғурта компанияси” АЖ ва “Ўзбекинвест Ассистанс” МЧЖ (кейинги ўринларда Жамиятларлар)да коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

1.2. Жамиятларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда - Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Жамиятларнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимлари зиммасида бўлади.

2-БОБ. ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ

2.1. Жамиятларда қуйдаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

а) Жамиятларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, Жамиятларнинг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини бўйича ҳисобот ҳар чоракда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

2.2. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Жамиятларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан,

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
GK 40		7 varaqdan 4-sahifa Sana: 24.09.2025 y.

шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигини қатъий назар, тузилади.

2.3. Йилнинг IV чораги учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

2.4. Хар чораклик ва хар йиллик ҳисобот Жамиятлар Рахбарига топширилади. Жамиятларнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти хар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасидан кечиктирмай хар чораклик Жамиятларнинг умумий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда - Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

2.5. Жамиятларнинг йиллик ҳисоботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидан расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Жамиятлар Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан тайёрланади.

3-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ ФАОЛИЯТ КУРСА ТИШИ ТУҒРИСИДА ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Жамиятларнинг коррупцияга қарши дастур ёки “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

3.2. Ҳисобот хар чоракда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва Жамиятлар Бошқарувига кўриб чиқиш учун киритилади.

3.3. Ҳисоботни шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай, Жамиятларнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти масъул ходимларга ушбу ойнинг 10 санасигача тегишли рахбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисобот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Жамиятларнинг таркибий бўлинмаларининг ҳисоботи Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан тузилади ва тасдиқланади;

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда Жамиятлар тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузади ҳамда

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
GK 40		7 varaqdan 5-sahifa Sana: 24.09.2025 y.

қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1 -иловадаги шакл бўйича Жамиятлар тизими бўйича тузилган ҳисоботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисоботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштира таҳлили ҳам қамраб олиши керак.

3.4. Жамиятлар тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисоботлар ва Жамиятлар тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузишда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти тегишли таркибий бўлималар ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

3.5. Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти қисқа маълумотнома бириктирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 21 санасигача Кузатув кенгашига ҳамда Бош директорга ёки унинг масъул ўринбосарига тақдим этади.

4-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

4.2. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан Жамиятларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади.

4.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисобот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятларнинг ички идоравий ҳужжатларга ўзгартиш ва қушичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

5.2. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти масъул ҳисобланади.

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
GK 40		7 varaqdan 6-sahifa Sana: 24.09.2025 y.

6 - БОБ. ЖАВОБГАРЛИК

6.1. Ушбу Низомни актуаллаштиришга Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти Бош менежери масъул ҳисобланади.

UZBEKINVEST	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	RD-GK 40-08
		7 varaqdan 7-sahifa Sana: 24.09.2025 y.
GK 40		

Хужжат текширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар

[illegible]